

مقتضيات الحب الصادق

Чин муҳаббат тақозоси

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат

мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглари!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтани вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглари ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби,
йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг
ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари,
(динда) янги пайдо қилинган барча нарса
бидъат, барча бидъат залолат, барча
залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Азиз оға-инилар, муҳтарама опа-
сингиллар, барчангизга Аллоҳнинг саломи
бўлсин, даврамизга хуш келибсиз, Аллоҳ
субҳанаҳу ва таолодан Унинг гўзал исмлари
ва олий сифатларини восита қилиб
сўрайман, бу дунёда барчамизни доимо
Ўзининг тоатида бирга қилсин, охиратда эса
Ўзининг жаннатида ва улуғлик ҳовлисида
ҳам ҳаммамизни жамласин ва даъватчилар
саййиди бўлган зот билан бирга қилсин.
Зотан, У бунинг хожаси ва бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги хутбамизни «Чин муҳаббат тақозолари» деб атадик. Одатимизга кўра, уни қуйидаги бир неча моддага бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Ширқдан безорлик.

Иккинчи: Тавҳидни рўёбга чиқариш.

Учинчи: Шариатни ҳоким қилиш.

Тўртинчи: Дўстлик ва душманлик.

Бешинчи: Иккиланмай қулоқ солиш ва бурилмай итоат қилиш.

Олтинчи: Жон, мол ва бола-чақа муҳаббатидан юқори бўлган, ғулув ва ҳаддан ошишсиз муҳаббат.

Сўзларимга диққат-эътибор қаратишингизни умид қиламан. Зеро, суҳбатимиз мавзуси бугунги кунимиз учун ғоят долзарб мавзулардан биридир. Чунки, шу кунларда уммат Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам мавлидлари

муносабати билан йиғилишлар
ўтказаетгани гувоҳ бўлмоқдамиз.
Ваҳоланки, у бундан ҳаё қилмоғи керак эди.
Чунки, уммат бугун Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг шариатларини бир
четга суриб қўйгани ҳолда, уялмасдан у
зотнинг туғилган кунларини нишонламоқда!

Севикли дўстим! Мен сизга ҳозир чин
севгининг талаб ва тақозоларини баён
қиламан, агар уларни маҳкам тутсангиз ва
уларга амал қилсангиз, сиз Пайғамбар
соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳақиқий
севувчилар сафида бўласиз ва шу
севгингиз сабабли охиратда Пайғамбар
соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга
бўласиз.

«Саҳиҳайн»да Анас розияллоҳу анҳудан
ривоят қилинган ҳадисда айтилади: Бир
киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан: «Қиёмат қачон?» деб сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **«Сен унга нима ҳозирладинг?!»**, дедилар. «Унга кўп амал ҳозирламадим, бироқ мен Аллоҳ ва Расулини яхши кўраман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Киши ўзи яхши кўрган кишиси билан бирга бўлади»**, дедилар (Бухорий: 10/461, Муслим: №2640).

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу гапларидан хурсанд бўлганимизча бирон нарса билан хурсанд бўлмаган эдик. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини, Абу Бакрни, Умарни яхши кўраман, гарчи уларнинг амалича амал қилмаган эсам-да, охирада улар билан бирга бўлишимни Аллоҳдан умид қиламан».

Севикли дўстим! Чин севгининг тақозолари бор, чин севгининг шартлари бор.

Аллоҳ таоло айтади: **«АЙТИНГ** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади»** (Оли Имрон: 31).

Агар Аллоҳ азза ва жалла сизни яхши кўришини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга муҳаббат қўйишларини истасангиз, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг изларига эргашинг, у зотнинг йўлларида юринг, шунда йўлнинг охирида Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳавзлари устида сизни кутиб турганларини кўрасиз, иншооллоҳ.

Чин севгининг тақозо ва талабларидан воқиф бўлинг, шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мавлидлари

муносабати билан йиғилишлар ўтказаетган умматнинг даъвоси ҳақиқатан нақадар бўш ва пуч эканини билиб оласиз. Аслида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрлари бизнинг қалбимизда Парвадигор таоло у зотни қай даражада улуғлаган бўлса, шу қадар улуғ бўлмоғи зарур эди.

Чин севгининг талаб ва тақозолари нималардан иборат?

Биринчи: Ширкдан пок бўлиш

Бу чин севгининг энг биринчи тақозосидир. Зеро, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг йўллариغا ва суннатларига муҳаббатни даъво қила туриб, қалбингиз ширк аралашмаларидан тозаланмаган бўлса, бу даъво бекордир.

Имом Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Нафийнинг (яъни, «ла илаҳа» деб илоҳларни рад қилишнинг) ўзигина ёки найифсиз исботнинг (яъни, Аллоҳ бор дейишнинг) ўзигина тавҳид бўлолмайди. Балки, тавҳид нафийни ҳам, исботни ҳам бир вақтнинг ўзида жамлаган бўлиши лозим.

Уламоларимиз безатишдан олдин бўшатиш зарур, дейдилар.

Бўшатиш – тоғутлар, олиҳалар, маъбудлар, бут-санамларни инкор қилиш билан ҳосил бўлади.

Қалбингизни текшириб кўринг, уни мазкур нарсалардан бўшатдингизми? Олиҳа ва тоғутларга кофир бўлдингизми ва қалбни ёлғиз Аллоҳнинг ўзига холис қилдингизми?

Тоғут – ҳазрат Умар айтганларидек, шайтондир.

Имом Молик айтганларидек, у Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган барча нарсадир.

Ибн Қаййим айтганларидек, у маъбуд, бошлиқ, итоат қилинадиган шахс каби банданинг ҳаддидан ошишига сабаб бўладиган нарсадир.

Эй Аллоҳни ва Пайғамбарини яхши кўрадиган биродар, сиз ер юзидаги барча тоғутларга кофир бўлмоғингиз зарур бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир»** (Бақара: 256).

Эътибор беринг, Аллоҳ таоло тоғутга кофир бўлишни Аллоҳга иймон келтиришдан аввал зикр қилди. Чунки, (қалбни иймон билан) безатишдан олдин бўшатиш зарур.

Сиз Аллоҳга тенг қилинадиган барча нарсаларга кофир бўлишингиз зарур. Аллоҳ таоло айтади: **«Одамлар орасида шундай**

кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир» (Бақара: 165).

Эй Аллоҳ, Ўзингга ва Пайғамбарингга бўлган муҳаббатни, шунингдек Сени севганларни яхши кўришни бизга насиб айлагин.

Ҳақиқий мўмин қалби Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати билан тўлган кишидир. Эътибор берсангиз, жуда кўп инсонларнинг қалби Аллоҳ ва Расулидан бошқаларнинг муҳаббати билан тўлиб-тошган бўлади. Ахир, «қора булбул»нинг ўлими сабабли ўз жонига қасд қилган аёл ҳақида эшитмаганмисиз?!

Ахир стадионда футбол мусобақаси томоша қилиб ўтириб, севимли жамоаси дарвозасига гол киритилганда фарёд

қилиб, жон таслим қилиб қўйган ишқибоз
хақида эшитмаганмисиз?!

«Менга ҳамма арабни бир халққа
айлантирадиган байрамни ҳадя қилинг,

Иброҳимнинг дини жасади устидан юриб
ўтинг,

Ўрталаримизни бирлаштирадиган куфрга
салом бўлсин,

Унинг ортидан дўзахни қучоқ очиб кутиб
оламиз» деган мазмунда шеър
айтганларини эшитмаганмисиз?!

Ёки: «Шериксиз Баъс партиясига иймон
келтирдим,

Ва араб миллатчилигини ягона дин деб
қабул қилдим» деган мазмунда шеър
айтганларини эшитмаганмисиз?!

Ёки: «Миср фиръавний бўлиб
қолаверади. Агар Ислом
фиръавнийлигимиз йўлига тўғаноқ бўлса,
биз Исломни четга улоқтириб ташлаймиз ва

Миср албатта фиръавний бўлиб қолади», деган сўзларни эшитмаганмисиз?!

Ёки: «Ғарбликларда бўлган ҳамма нарсани, ҳатто ўпкаларидаги шамоллашни-ю, ичакларидаги нажосатларигача қабул қилиб олишга азм қилдик», деган сўзларини эшитмаганмисиз?!

Ахир Парвадигорингиз айтмаганми: **«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир»**, деб?! (Бақара: 165).

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, у зотга мурожаат қиларкан, гап орасида: «Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мени**

Аллоҳга тенг қилдингми?! Йўқ, фақат Аллоҳ хоҳласагина!», дедилар (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да (№787), Аҳмад (№1/214), Ибн Можа (№2117) ривоятлари, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№139) ҳасан санаган).

Сиз Аллоҳга тенг кўрилаётганларга кофир бўлдингизми? Сохта «парвардигор»ларга кофир бўлдингизми?

Аллоҳ таоло айтади: **«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини... Парвардигор деб билдилар»** (Тавба: 31).

Адий ибн Ҳотим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кирганида у зот шу оятни ўқиётган эканлар. Шунда Адий: «Ё Расулуллоҳ, биз Аллоҳни қўйиб, уларга ибодат қилмас эдик», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Улар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани**

уларга ҳалол қилиб беришмасмиди ва Аллоҳ ҳалол қилган нарсани уларга ҳаром қилишмасмиди, шунда уларга итоат қилмасмидилар?!», дедилар. Адий: «Ҳа, шундай қилишарди», деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мана шу уларга ибодат қилишларидир»**, дедилар (Термизий (№3094), Ибн Жарир (№16631), Суютий «Ад-дуррул-мансур»да (3/230) келтирганлар).

Севикли биродарим! Сиз ибодатни ёлғиз Аллоҳнинг ўзига бағишладингизми? Аллоҳнинг амрларини ўрнига келтирдингизми?

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта**

шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйсунувчиларнинг аввали — пешқадамиман» (Анъом: 162, 163).

Яна айтаман: Агар қалбингиздаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатингизни текшириб кўрмоқчи бўлсангиз, ўзингизга савол бериб кўринг, сохта илоҳлардан, Аллоҳга тенг кўрилаётган «худо»лардан покланганмисиз ва чин севгининг тақозоларидан иккинчиси бўлмиш **«Тавҳидни ягона Аллоҳ учун рўёбга чиқариш»**га муваффақ бўлганмисиз?

Иккинчи: Тавҳидни ягона Аллоҳ учун рўёбга чиқариш

Чин севги тақозоларидан яна бири шудир, яъни тавҳидни барча қисмлари билан бирга

Аллоҳ жалла ва ало учун рўёбга чиқариш ва рубубият тавҳидига иқрор бўлишдир.

Рубубият тавҳиди маъноси – яратиш, ризқ бериш, буюриш, бошқариш, тадбир қилиш, ўлдириш, тирилтириш Аллоҳникидир, деб иқрор бўлиш ва эътиқод қилишдир.

Аллоҳ таоло айтганидек: **«Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Бутун иш Аллоҳнинг** (қўлида)!» (Оли Имрон: 154).

Тавҳидни Аллоҳ учун рўёбга чиқардингизми?

Балки, сизга ҳозир: «Рубубият тавҳидига Арабистон оролидаги мушрик ҳам иқрор бўлган», деб айтсам ҳайрон бўларсиз?

Агар Абу Жаҳлдан: «Яратувчинг ким?» деб сўрасангиз, «Аллоҳ», деб жавоб берган бўларди.

Агар тўғри келган бир мушрикдан: «Сенга ким ризқ беради?» деб сўрасангиз, «Аллоҳ», деб жавоб берган бўларди.

Аллоҳ таоло айтади:

«Қасамки, агар улардан «Осмонлар ва ерни ким яратган?» деб сўрасангиз албатта «Аллоҳ» дерлар» (Луқмон: 25).

«Қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва ерни яратган, қуёш ва ойни (Ўз измига) қаратган зот ким?» — деб сўрасангиз, албатта улар: «Аллоҳ», деб (жавоб қилурлар). Бас (шундоқ экан, ўша Аллоҳга ибодат қилишнинг ўрнига) қаёққа бурилиб кетмоқдалар-а?!» (Анкабут: 61).

«Қасамки, агар сиз улардан: «Осмондан сув ёмғир ёғдириб ерни «ўлганидан» сўнг «тирилтирган» зот ким?» — деб сўрасангиз, албатта улар: «Аллоҳ», деб (жавоб қилурлар). Сиз

(уларга: «Эътироф этганларингиз учун) **Аллоҳга ҳамду сано бўлсин», деб айтинг. Йўқ, уларнинг кўплари ақл юргизмайдилар»** (Анкабут: 63).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва доно (Аллоҳ) яратган», дерлар»** (Зухруф: 9).

Бир куни Ахнас ибн Шариқ Абу Жаҳл билан ёлғиз қолган пайтида унга деди: «Эй Абул Ҳакам! Ҳозир иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ, биров бизнинг сўзимизни эшитмайди. Сендан Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, айт-чи, Муҳаммад ростгўйми, ёлғончими?!».

Шунда Абу Жаҳл деди: «Қуриб кетгур эй Ахнас, Муҳаммад албатта ростгўй!».

Шундан сўнг Аллоҳ таолонинг мана бу оятлари нозил бўлди: **«Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар»** Анъом: 33).

Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростгўйликларини яхши билишарди.

Ҳатто, айримлари: «Аллоҳга қасамки, мен Муҳаммаднинг пайғамбарлигига ўғлимнинг ўз ўғлим эканига иқрор бўлишимдан кўра кўпроқ иқрорман, чунки Муҳаммаднинг ростгўйлигига Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик берган», деб айтишган.

Бироқ, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирда Исломга мансуб бўлган кўпчилик инсонлар Раҳмон ва Раҳим Зотга нисбатан рубубият тавҳидини рўёбга чиқармайдилар.

Севиқли дўстим! Сиз шу билан бирга улуҳият тавҳидига (яъни, ибодат тавҳидига) ҳам иқрор бўлмоғингиз зарур.

Яъни, ибодатни ҳар иккала рукни – комил муҳаббат ва тўла синиқлик билан ва ҳар иккала шарти – ихлос ва иттибоъ (пайғамбарга эргашиш) билан ўша ибодатга сазовор зот бўлмиш Аллоҳнинг ёлғиз ўзига бағишламоғингиз зарур.

Ўзингизга савол бериб кўринг, сиз ёлғиз Аллоҳнинг ўзидан мадад тиладингизми? Ёлғиз Аллоҳнинг ўзидангина ёрдам сўрадингизми? Тилагингизни ёлғиз Аллоҳдан сўрадингизми? Аллоҳнинг ўзигагина атаб қон чиқардингизми? Назрингизни ёлғиз Аллоҳ учун қилдингизми? Ёлғиз Аллоҳ номи билангина қасам ичдингизми? Фақат Маккадаги Байтуллоҳнигина тавоф қилдингизми? Қуйидаги сўзларни тилингиз айтдимиз,

қалбингиз тасдиқладими ва амалларингиз исботладими?

Эй Аллоҳ, мен Сендан ўзгага ишониб қолишдан покланаман.. Сендан ўзгадан умидвор бўлишдан ўзимни поклайман..

Сендан ўзгага бўйин эгишдан покланаман.. Сендан ўзгага ишимни топширишдан покланаман..

Сендан бошқасига таваккул қилишдан покланаман..

Сенинг тоатингдан бошқа ҳолда ўзимни хор тутишдан покман.. Сенинг саховатли қўлларингдан бошқасидан умидвор бўлишдан покланаман..

Сенинг улуғворлигингдан бошқасидан хавф қилишдан покланаман.

Аллоҳнинг амрига бўйсундингизми? Аллоҳнинг улуғ исмларига ва комил сифатларига уларнинг лафз ва маъноларини ҳеч қандай ўзгартиришсиз

иймон келтирдингизми? Аллоҳнинг Ўзи ва Унинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам У учун исботлаган нарсаларни исботладингизми?

Аллоҳ азза ва жалланинг мана шу тавҳидини рўёбга чиқармай туриб Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат даъвосини қилиш мутлақо мумкин эмасдир.

Учинчи тақозо: Шариатни ҳоким қилиш

Шариатни бир четга суриб қўйгани ҳолда Муҳаммад Мустафога нисбатан севгини даъво қиладиган уммат ёлғончи умматдир!

Молиявий ишларида, обрў-номуслар масаласида, қону-жонлар хусусида, ахлоқий масалаларда инсонлар ишлаб чиққан фожир ва золим қонунларни ҳоким қилгани ва Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг шариатларини ҳаётдан

четлатгани ҳолда, ҳар йили Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлидларига йиғиладиган уммат зиёнкор умматдир!

Умматни маймун ва тўнғизларнинг оғанилари бўлган, Аллоҳ тарафидан пешоналарига хорлик ва хўрлик битиб қўйилган кимсаларга оёқости бўлаётганини кўриб турибсиз.

Уммат Парвардигорининг манҳажига ва Пайғамбарининг шариатига қайтмагунича, Аллоҳга тавбасини эълон қилмагунича ва бу тавбасини воқеъда Аллоҳнинг амрига тўла бўйсунинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига тўла эргашиш билан рўёбга чиқармагунича у учун на зафар, на иззат, на салоҳият ва на саодат бўлажак!

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Юсуф алайҳиссалом тилидан шундай ҳикоя

қилади: **«Эй хамзидон дўстларим, тарқоқ — турли-туман «худолар» яхшироқми ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми? Сизлар эса, У зотни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар»** (Юсуф: 39-40).

Агар уммат Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббатни эълон ва даъво қилар экан, аввало ўзидан сўраб кўрсин, у Пайғамбари Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига нисбатан қай ўринда турибди?!

Кофир ғарб қозонида эриб йўқолаёзган,
иззат ва кароматнинг асл-асосини тарк
қилган уммат!!

Ғарбга мафтун бўлган ва ғарб деса
оғзидан суви келадиган, ғарбни оғиз
тўлдириб мақтайдиган уммат!! Гўёки ғарб
асло адашмайдиган ва умуман нотўғри иш
қилмайдиган илоҳга айланиб қолган унинг
учун!!

Исломдаги дўстлик ва душманлик
тушунчаси қаерда қолди?!

Суҳбатимиз давоми ана шу ҳақда боради.

Тўртинчи: Дўстлик ва душманлик

Аллоҳ таоло айтади:

**«Эй мўминлар, яҳудийлар ва
насронийларни дўст тутмангиз!
Уларнинг баъзилари баъзиларига
дўстдирлар Сизлардан ким уларга дўст
бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта,**

Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас»
(Моида: 51).

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир» (Бақара: 120).

«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз» (Оли Имрон: 28).

Парвардигоримизнинг Қуръони бу... Кечакундуз тиловат қилиниб турган илоҳий калом бу..

Дўстлик ва душманлик тушунчаси (алвалоъ вал бароъ) қалбга ўрнамагунича

тавҳид ҳосил бўлмайди. Бусиз мўминнинг эътиқоди дуруст бўлмайди.

Яъни, мўмин киши Аллоҳни, Расулини ва мўминларни дўст деб билмоғи, ширқдан ва мушриклардан ўзини бутунлай пок ва хориж қилмоғи зарур!

Шеър мазмуни:

Ҳабибнинг душманларини яхши кўра туриб, у зотга муҳаббат даъво қиласанми?!
Бу асло имконсиз ишдир!

Шу ҳолингда яна у зотнинг дўстларига адоват қиласан! Қани муҳаббат эй шайтоннинг иниси?!

Чин муҳаббат ўзинг севган кишининг севгисига тўла-тўқис мувофиқ бўлишингдир.

Унинг севганига муҳолиф бўлганинг ҳолда муҳаббатини даъво қилсанг, бўҳтон қилган бўласан.

Ҳа, агар даъвонгда содиқ бўлсайдинг,
Аллоҳга кофир бўлганларни душман деб
кўрган бўлардинг!

Ва ҳақ аҳлини зоҳир-у ботинингда дўст
тутган ва уларга адоват қилиб, куфрга
ёрдам бермаган бўлардинг!

Сен айтаётган сўзни айтган ҳар бир киши
мусулмон бўлавермайди, мусулмон
бўлишнинг шартлари бор:

Ҳар қандай ўринда кофирлардан ажралиб
туриш, бу ҳақда саҳиҳ насс (шаръий очиқ
далил) келган,

Ва улар ичида тавҳидни ошкор қилиш ва
уларни бунга махфий-у ошкора даъват
қилиш.

Агар билсанг, ҳақиқий дин, ҳидоят ва
Иброҳимнинг миллати шудир.

**Бешинчи: Иккиланмай қулоқ солиш ва
бурилмай итоат қилиш**

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида, мўминларнинг сўзи «эшитдик бўйсундик», (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топувчилардир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйсунса ва Аллоҳдан кўрқиб, тақво қилса, бас ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришувчилардир» (Нур: 51, 52).

Мўминларнинг шиори-белгиси шудир.. Иккиланмай қулоқ солиш ва бурилмай итоат қилиш!

Азиз биродар! Энди ўзингни Пайғамбаримизнинг буйруқларига, қайтариқларига ва белгилаб берган ҳад-ҳудудларига солиб кўринг. У зотнинг амрларига бўйсундингизми?

Қайтариқларидан тийилдингизми? У зот белгилаб берган ҳадда турдингизми?

Агар буйруқни эшитиб, унга итоат қилган, қайтариқни эшитиб, ундан тийилган, ҳадни эшитиб, унда турган кишилардан бўлсангиз, Аллоҳга шукр қилиб, сажда қилинг ва Ундан Муҳаммад Мустафога бўлган муҳаббатингизни яна ҳам зиёда қилишини сўранг.

Аммо, агар буйруқни эшитиб, унга итоат қилмаган, қайтариқни эшитиб, тийилмаган, ҳадда турмаган кишилардан бўлсангиз, билингки, сизнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббат даъвонгиз қуруқ ва бўш даъво экан.

Мўминларнинг шиори эшитиш ва итоат қилиш, мунофиқларнинг шиори эса эшитиш ва осий бўлишдир.

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **ўзларини**

сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик-кофир бўлиш буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди» (Нисо: 60).

Мунофиқларнинг белгилари ана шудир..

Аллоҳга қасамки, бу уммат фақат эшитиб, итоат қилиши орқасидан Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таолонинг: **«Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг,**

хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади» (Бақара: 284) ояти нозил бўлганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларига бу оят жуда қаттиқ таъсир қилди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида чўккалаб: «Ё Расулуллоҳ, намоз, рўза, жиҳод, садақа каби тоқатимиз етадиган амалларга таклиф қилинган эдик. Энди сизга бу оят тушди, бунга бизнинг тоқатимиз етмайди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабландилар ва: «Сизлар яҳудий ва насроний аҳли китоблар айтганидек: «Эшитдик ва итоат қилмадик», дейишни истайсизларми?! Бунинг ўрнига: «Эшитдик ва итоат қилдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзинга қайтажакмиз», деб айтинглар», дедилар. Улар: «Эшитдик

ва итоат қилдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар. Шунинг ортидан Аллоҳ таоло **«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар»** (Бақара: 285) оятини туширди.

Ана шундай қилганларидан сўнг Аллоҳ таоло мазкур (оят ҳукми)ни мансух қилиб, қуйидаги оятларни нозил қилди: **Аллоҳ ҳеч**

бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!» (Бақара: 286). (Парвардигор:) «Хўп», деди.

«Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама!» (Бақара: 286). (Парвардигор:) «Хўп», деди.

«Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!» (Бақара: 286). (Парвардигор:) «Хўп», деди.

«Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хојамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!» (Бақара:

286). (Парвардигор:) «Хўп», деди» (Муслим №125 ривояти).

Аллоҳ таоло ижобат қилди ва эшитиш ва итоат қилиши баракотидан умматдан юкни енгиллатди.

Уммат ҳозир бошидан кечираётган танглик ва бахтсизлик фақат унинг эшитиш ва итоат қилиш манҳажидан бурилиб кетиши натижасидир. Бугунги кунда уммат жарангдор хутбаларни қотириб ташлайди, таъсирчан маърузаларга уста, тунларни йиғинлар билан бедор ўтказишни яхши билади, уммат мардлик ва жиддийликни ёқтирмай қолган кунидан бошлаб ҳазил-ҳузулга ва енгил-елпи ишларга ўч бўлган.

Тонготар пайтигача мусобақалар томоша қилиб тунни бедор ўтказадиган умматдан нимани кутиш мумкин?!

Тунларини сериаллар, кинофилмлар ва кўнгилочар кўрсатувлар томоша қилиб

Ўтказадиган умматдан нимани кутиш мумкин?!

Аллоҳга қасамки, бундай енгил-елпи нарсалар ва нопок чиқиндилар билан тарбия топган авлод асло Ақсони (Қуддусни) озод қила олмайди!

Ақсони фақат Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг Суннатлари устида тарбия топган авлодгина озод қилишга қодир бўлади!

Аллоҳ таолодан ана шундай авлодни дунёга келтиришини сўраймиз, Зотан, У бунга қодир Зотдир.

Мўминларнинг шиори эшитиш ва итоат қилишдир.

Эй Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат даъвоси қилаётган!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга намозни вақтида ўқишни буюрганлар.

Хўш, сиз намозларни вақтида адо этдингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга ҳаромни ва судхўрликни тарк қилишни буюрганлар. Хўш, сиз рибони тарк қилдингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга маст қилувчи ичимлик ичмасликни буюрганлар. Хўш, сиз маст қилувчи ичимликни тарк қилдингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга зинони тарк қилишни буюрганлар. Хўш, сиз зинодан юз ўгирдингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга ота-онага яхшилик қилишни буюрганлар. Хўш, сиз бу амрларига бўйсундингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга қўшниларга яхшилик қилишни

буюрганлар. Хўш, сиз бу амрларига бўйсундингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга оға-ини, аҳлу оила ва ёру биродарларга яхшилик қилишни буюрганлар. Хўш, сиз бу амрларига бўйсундингизми?!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга соқол қўйишни буюрганлар. Хўш, сиз бу амрларига бўйсундингизми?!

Буйруқлар жуда кўп... Сиз ўзингизни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқлари ва қайтариқларига солиб кўринг..

Агар буйруқни эшитиб, унга итоат қилган, қайтариқни эшитиб, ундан тийилган, ҳадни эшитиб, унда турган кишилардан бўлсангиз, Аллоҳга шукр қилиб, сажда қилинг ва Ундан Муҳаммад Мустафога бўлган

муҳаббатингизни яна ҳам зиёда қилишини сўранг.

Ботиллигини исботлаб ўтиришга ҳам арзимайдиган мана бундай пуч даъволардан сақланинг:

Яъни, бу даъвога кўра, биз ҳозирда фақат Қуръоннинг ўзигагина қайтишимиз лозим экан, сабаби Суннат (яъни ҳадислар) ичида заиф ва тўқима ҳадислар бор экан..

Хушёр бўлинг ва яхши билингки, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлсангиз, Аллоҳга осий бўлган бўласиз! Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилсангиз, Аллоҳга итоат қилган бўласиз!

Аллоҳ таоло айтади: **«Пайғамбар сизларга нимани олиб келса, уни олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан**

қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» (Ҳашр: 7).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳга итоат қилингиз, пайғамбарга бўйсунингиз» (Моида: 92).**

Аллоҳ таоло айтади: **«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди» (Нисо: 80).**

Аллоҳ таоло айтади: **«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).**

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз**

ёки ишга) қадам босманглар! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ эшитувчи, билувчидир» (Ҳужурот: 1).

Ибн Аббос айтадилар: «Яъни, Китоб ва Суннатга хилоф сўз айтманглар».

Мужоҳид айтадилар: «Яъни, то Аллоҳ таоло Пайғамбари тилида ҳукм қилмагунича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан бирон ҳукм чиқарманглар».

Қуртубий айтадилар: «Яъни, Аллоҳ аза ва жалланинг сўзига бирон сўзни муқаддам қўйманглар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўз ва амалларига бирон бошқа сўз ва амални муқаддам қўйманглар».

Шинқитий айтадилар: «Ҳаром фақат Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсадир, ҳалол ҳам фақат Аллоҳ ва Расули ҳалол қилган нарсадир. Дин фақат Аллоҳ Ўз

Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларида маршруъ қилган нарсадир. Ким Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи санаса, Аллоҳни ёлғончи қилган бўлади. Ким Суннатни зое қилса, у Қуръонни зое қилган бўлади. Ким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга кофир бўлса, Раҳмонга кофир бўлган бўлади».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръоннинг ўзига чекланадиган ва суннатдан воз кечадиган бундай нопок тоифалардан огоҳлантириб қўйганлар. Миқдом ибн Маъдий Карибдан ривоят қилинган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Бир одам сўрисида ястаниб ётиб олади-да, унга менинг ҳадисим айтилса: «Ўртамизда Аллоҳ азза ва жалланинг Китоби бор, унда ҳалол деб топган нарсамизни ҳалол**

санаймиз, унда ҳаром деб топган нарсамизни ҳаром санаймиз», деб айтади. Огоҳ бўлингиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган нарса ҳам Аллоҳ ҳаром қилган нарса билан баробардир!» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 12).

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳнинг сўзларидан бир шодасини сизга тақдим қилмоқчиман. У киши айтадилар:

«Суннат Қуръонга нисбатан уч важҳдадир:

Биринчи: Суннат Қуръонни ҳар тарафлама таъкидлаб келган бўлиши. Бу далилларни кучайиши бобидан бўлади.

Иккинчи: Суннат Қуръонда мухтасар келган нарсаларни ийзоҳловчи бўлиб келиши. Масалан, Қуръонда намоз ўқишга буйруқ келган, намознинг кайфияти ва ҳад-

ҳудудларини эса Суннат тўла баён қилиб берган.

Учинчи: Суннат Қуръонда айтилмаган нарсани фарз қилувчи ё ҳаром қилувчи бўлиши».

Ўзим учун ва сизлар учун Аллоҳга истиғфор айтаман, Аллоҳ таолодан Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловотлар йўллашини сўрайман.

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир

кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Олтинчи: Жон, мол ва бола-чақа муҳаббатидан юқори бўлган, ғулув ва ҳаддан ошишсиз муҳаббат

Севикли биродарим! Сизнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган севгингиз ўзингизга, ота-она ва бола-чақангизга ва умуман барча одамларга бўлган севгингиздан устун бўлмоғи зарур.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Сизларнинг бирортангиз мен унга отасидан, фарзандидан ва барча инсонлардан кўра суюмлироқ бўлмагунимча тўла иймонли бўлмайди»**

(Бухорий: 1/55, Муслим: №44), Насоий: 8/114, Ибн Можа: №167).

«Саҳиҳул Бухорий»да ривоят қилинишича, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулуллоҳ, сиз менга ўз жонимдан бошқа барча нарсадан суюмлироқсиз» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Йўқ, жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, то сизга ўз жонингиздан ҳам суюмлироқ бўлмагунимча** (иймонингиз комил бўлмайди)» дедилар. Умар: «Аллоҳга қасамки, сиз энди менга ўз жонимдан ҳам суюмлироқсиз» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ана энди** (иймонингиз тўла бўлди) **эй Умар**» дедилар (Бухорий: №6632).

Ҳофиз Ибн Ҳажар «Ал-фатҳ»да айтади: «Имом Хаттобий сўзларига кўра, инсон ўз

нафсини яхши кўриши табиатдир, бошқани яхши кўриши эса сабаблар ўртага тушишига қараб ихтиёрдир...»

Яъни, мен сизни баъзи сабабларга кўра яхши кўраман, сиз ҳам мени баъзи сабабларга кўра яхши кўрасиз. Аммо, иккимиз ҳам ўз нафсимизни яхши кўришимиз табиий хилқатдир.

Яна айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умардан табиатини ўзгартиришини талаб қилмадилар, ундан фақат ихтиёрли бўлган севгини талаб қилдилар, чунки табиатларни ўзгартириш имкони йўқдир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умарнинг диққатини Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни унга пайғамбар қилиб юбориш билан катта марҳамат қилиб, уни дўзахдан

қутқариб қолганига жалб қилишни истадилар.

Бироқ, иттибоъ-эргашишга доир бўлган севги билан ибтидоъ-бидъат қилишга доир бўлган севги ўртасини фарқлай билиш лозим.

Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан, у эса Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Мени насронийлар Ийсо ибн Марямни ҳаддан зиёд мадҳ этганларидек мадҳ этманглар. Мен (Аллоҳнинг) бандасиман, холос. «Аллоҳнинг қули ва элчиси» денглар»** (Бухорий: 5/354, 355).

Демак, у зотнинг муҳаббатларида ғулув кетиш ҳам, ҳаддан ортиқ маддоҳликка берилиш ҳам мумкин эмас.

Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам севгисини даъво қилувчи

айрим кишилар ҳаддан ташқари ғулув кетишиб, у зот шаънларида мақбул бўлмаган улуҳият ва рубубият сифатларидан баъзиларини истеъмол қилишади.

Улардан бири бир қасидасида жумладан, шундай дейди:

«Эй халқларнинг энг қарамлиси, бошимга мусибатлар келган пайтда сиздан ўзга нажоткорим йўқдир...

Дунё ва ундаги барча нарсалар сизнинг саховатингиздан, лавҳу қалам илми сизнинг илмингиздандир..» (Девонул Бувсирий).

Бошқа бири айтади: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳолатлари барча тасарруфларида Аллоҳ таоло ҳолатининг айни ўзидир. Муҳаммадга Муҳаммаддан бирон улуш йўқдир. Шунинг учун у киши айни Аллоҳнинг зотидан бўлган зотий нур бўлдилар» (Муҳаммад Баҳоуддин

ал-Байтор: «Ан-неъмаатул-қудсийя фий шарҳис-солаватил-муҳаммадийя ал-идрисиийя»).

Бундай беҳуда гаплар жуда кўп, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ..

Биз уларга айтамыз: Келинглар, ҳақиқий муҳаббат ва чин севги билан танишайлик.

Ҳудайбийя сулҳи воқеасида Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига соя қилиб турган эди. Урва ибн Масъуд Қурайшдан элчи бўлиб келган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сулҳ шартларини сўзлашаётган эди. Урва гапираркан, у зотнинг соқолларига қўл узата бошлади. Шунда Муғийра ибн Шуъба қўлида қилич, бошида дубулға билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошлари устида туриб, Урва у зотнинг соқолларига қўл узатганда

қиличининг қини билан унинг қўлига уриб:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг соқолларидан қўлингни торт»,
деди (Бухорий: №2731).

*Таржимон изоҳи: Араблар одатича,
гаплашаётган одамнинг соқолига қўл
теккизиш унга ҳурмат-эҳтиром ва лутф
белгиси бўлиб саналар, хусусан
тенгдошлар бир-бирига ана шундай
муомала қилишарди. Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам Урвани хафа
қилмаслик учун унинг бу ишдан кўз юмган
бўлсалар, Муғийра Пайғамбар соллаллоҳу
алайҳи ва салламга мушрикнинг қўлини
теккизмастик учун уни бу ишдан ман
қилганди. (Фатҳул Борий.)*

Маълумотингиз учун, Муғийра ибн Шуъба
Урванинг жияни эди!! Ана буни чин севги
дейдилар.

Ёки бўлмасам, Уҳуд ғазотида Абу Дужонанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўзини қалқон қилганини эсга олинг, камон ўқлари ёмғирдек ёғилар, у эса қилт этмай турарди..

Ёки бўлмасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ёнма-ён туриб ва у зот билан битта қалқонда қалқонланиб жанг қилаётган Талҳанинг ҳолатини эсга олинг.

«Саҳиҳул Бухорий»да Қайс ибн Ҳозимдан шундай ривоят қилинади: «Мен Талҳанинг қўли ишламай қолганини кўрдим, у Уҳуд куни шу қўли билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳимоя қилганди..».. (Бухорий: №2731). Мана буни ҳақиқий муҳаббат дейдилар!

Шунинг учун ҳам Талҳа розияллоҳу анҳу инсоният саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан энг олий мукофотга сазовор бўлганди.

«Сунанут-Термизий»да ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким ер юзида юриб турган шаҳидни кўришни истаса, Талҳага боқсин»**, дедилар (Термизий: №3740, Ибн Можа: №125 ривоятлари, Албоний «Саҳиҳ сунан ат-Термизий»да (№2940) саҳиҳ санаган).

Ёки бўлмасам, Абу Талҳа розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида мисоли деворга айланган, у зотни душман ўқларидан тўсиш учун кўкрагини қалқон қилган эди.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Уҳуд куни одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларидан узоқлашиб кетишган, ёлғиз Абу Талҳа у кишининг ёнларида туриб, қалқони билан тўсиб турарди. У билаги бақувват камончи эди, ўша куни у иккита ё учта камон

синдирди. Ўқдонида ўқи бор бирон киши ўтиб кетаётган бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўқларингни Абу Талҳага бер», дердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам душман томонга бўйин чўзиб қарасалар, Абу Талҳа: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, қараманг, улар отган ўқлардан биронтаси тегиб кетмасин, кўксим сизга қалқон бўлсин», дерди» (Бухорий: 7/278, Муслим: №1811).

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Мана буни чин севги дейдилар, улар дилларидаги муҳаббатни амалда кўрсатиб бердилар, севгилари қуруқ сўз бўлиб қолмади!

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган чин муҳаббатни Абу Бакр Сиддиқнинг сўзларида кўришимиз мумкин. Мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Исро кечаси ҳақидаги сўзларини ёлғонга чиқариб, бу ҳақда Абу

Бакрга ҳам айтишганида у киши: «Агар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деган бўлсалар, рост айтибдилар», дегандилар (Ҳофиз Ибн Ҳажар «Ал-фатҳ»да Байҳақий «Ад-далоил»да ривоят қилганини айтган).

Чин муҳаббат асарини Умар Форукнинг қуйидаги сўзларида кўришимиз мумкин:

У киши Ҳудайбийя сулҳи куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Ё Расулуллоҳ, биз ҳақ устида, улар эса ботилда эмасмилар?!», деди. «Шундай», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Биздан ўлганлар жаннатда, улардан ўлганлар дўзахда эмасмилар?!», сўради у. «Ҳа, шундай», дедилар яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Ундай бўлса нега динимиз тўғрисида уларга ён бермоқдамиз?!», деди у (Бухорий: №2731).

Бу муҳаббат асари кўриладиган воқеалардан яна бири, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам машаққат лашкари (яъни Табук жангига лашкар) ҳозирлаётган пайтларида минбарга кўтарилиб, одамларни садақага ундаганларида Усмон келиб: «Ё Расулulloҳ, Аллоҳ йўлида юзта туя эгар-жабдуқлари ва аслаҳалари билан менинг бўйнимга», дедилар. Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам яна одамларни лашкарни тайёрлашга ундаганларида Усмон туриб: «Ё Расулulloҳ, Аллоҳ йўлида икки юзта туя эгар-жабдуқлари ва аслаҳалари билан менинг бўйнимга», дедилар. Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам яна одамларни лашкарни тайёрлашга ундаганларида Усмон туриб: «Ё Расулulloҳ, Аллоҳ йўлида уч юзта туя

эгар-жабдуқлари ва аслаҳалари билан менинг бўйнимга», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушарканлар: **«Шу бугундан кейин Усмонга нима (гуноҳ) қилмасин, зарари йўқдир»**, деб икки марта такрорладилар (Термизий: №3701).

У зотга бўлган ҳақиқий севги ва фидокорликни ҳижратга чиқиб кетган кечалари ўринларида ётиб қолган Алий розияллоҳу анҳуда кўришимиз мумкин. У киши ўзларини аниқ ўлимга нишон қилган эдилар ўша кеча.

Мана буни ҳақиқий севги дейдилар!

Агар уммат Ҳабиб Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат даъво қиларкан, энг аввал ширкдан халос бўлсин.. Тавҳидни рўёбга чиқарсин.. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларини ҳоким қилсин.. Аллоҳни,

Расулини ва мўминларни дўст тутсин..
Эшитиш ва итоат қилиш манҳажини
янгидан вужудга келтирсин.. Аллоҳ ва
Расулининг амрларига тараддудсиз қулоқ
тутиб, бурилишсиз итоат қилсин.. Кейин
қалбида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва
саллам қандай ўрин тутганларини текшириб
кўрсин. Шоир айтганидек:

«Ким Пайғамбар севгисини даъво қилса-
ю, унинг йўлидан юрмаса, уни даъвоси
қуруқ гапдир.

Агар севгиси чин бўлса, севгининг энг
биринчи шарти итоат ва вафодир».

Аллоҳ жалла ва алодан барчамизни
Ҳабиб Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва
саллам ҳавзлари устида жамлашини
сўрайман.

2010 йил 16-июл

